



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 21 март, № 57 (8952)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЮРТИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 март куни пойтахтимизда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.



Мамлакатимизда инвесторларга яратилган қулайликлар туфайли иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ошиб бормоқда. Тўғридан-тўғри сармоялар киритилиб, соаноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида истикболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган "High Town City" мажмуаси шулардан бири. У кенг қамровли бўлиб, савдо ва кўнгилчар маркази, бизнес маркази, меҳмонхона ва замонавий турар-жойларни ўз ичига олган. Бунга 510 миллион доллар тўлиқ хорижий инвестиция йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари савдо марказидаги замонавий тижорат ва хизмат турларини кўздан кечирди. 4 қаватли бинода савдо дўконлари, жумладан, машхур брендларнинг шохобчалари очилган. Ресторан ва кафелар, кўнгилчар ўйингоҳлар, спорт майдонлари, кинотеатрлар эл хизматида. Ер остида автотурагоҳ бор.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда одамлар савдо қилиши, дам олиши, спорт билан шугулланиб, вақтини чоғ

ўтказиши учун барча шароит яратилган. Мажмуа бир кунда 5 минг кишига хизмат кўрсатиш қувватиغا эга. Унда 1 минг 500 киши иш билан таъминланди.

Президентимиз мажмуанинг иқтисодий аҳамияти ва аҳоли учун қулайлигини эътироф этиб, инвестор ва тадбиркорларга кўмак бериш бундан кейин ҳам давлатимиз сиёсатининг стратегик йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади. Миллий маҳсулотларимизни брендга айлантириш, уларни ташқи бозорларда таништириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Савдо марказида шинам китоб дўкони ҳам очилган. Шавкат Мирзиёев бу ташаббусни олиқшлаб, метро бекатлари, кутиш жойларида ҳам мўъжаз китоб дўконлари ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини айтди.

Давлатимиз раҳбари ўйин майдончасидаги болажонларни кўриб, самимий меҳр-эътиборини ихор этди. Бугунги барча саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз келажаги учун қилинаётгани, бунинг учун болалар яхши ўқиб, ақлий ва ижодий салоҳиятини ривож-

лантириб бориши кераклигини таъкидлади.

Яқинда 24 қаватли, беш юлдузли меҳмонхона ҳам барпо этилиши режалаштирилган. Унда 250 та хона бўлиб, бир вақтнинг ўзида 430 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Катта ва кичик конференция заллари, сузиш ҳавзалари, ресторан ва дўконларда замонавий қулайликлар йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда қурилдиغان замонавий уй-жойлар лойиҳаси тақдирот қилинди. Унга кўра 1 минг 500 та хонадондан иборат 28 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Мажмуа ҳовлиси автомобиллар учун ёпиқ ва яшил ҳудуд бўлади. Болалар боғчаси, ўйин майдончаси, теннис корти, ер ости автотурагоҳи ташкил этилади. Мажмуа ҳудуди тўлиқ "Wi-Fi" билан қамраб олинади ҳамда биноларда шовқинсиз лифтлар ўрнатилади.

Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, Тошкент метрополитенини Тошкент трактор заводи даҳасигача олиб бо-

риш режалаштирилган. Президентимиз аввал тақдим қилинган лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, бошқа муқобил таклифлар киритиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ тайёрланган янги лойиҳага кўра, метрополитеннинг Чилонзор йўналиши Тошкент трактор заводи даҳасигача узайтирилади. Бу тармоқ 30 та маҳалла, 148 минг аҳолини қамраб олади.

Яна бир лойиҳага кўра, Бектемир туманида Чирчиқ дарёси яқинида кўп қаватли уйлар, савдо ва хизмат бинолари қуриш кўзда тутилган. Бунинг натижасида туманда урбанизация жадаллашиб, янги марказ пайдо бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Бектемир туманига таширифи чоғида Йикота маҳалласида бўлиб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди.

Бу ердаги 37 та кўп қаватли уй ва 1 минг 400 та ховлида 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда маҳаллабай амалга оширилаётган манзилли ишлар Йикотада ҳам ўз натижасини бермоқда. Янги кўп қаватли уйлар қурилган. Йўлақлар ва ички кўчалар таъмирланган. Майдончаларга гул ва майсалар экилган.

Ўтган йили уч қаватли маҳалла идораси фойдаланишга топширилган эди. Энди Давлат бюджети ҳисобидан 358-умумтаълим мактаби қурилди. Президентимиз ушбу янги муассасани кўздан кечирди.

Таълим тизимига бўлаётган эътиборнинг ёрқин ифодасини бу ерда ҳам кўриш мумкин. Қарийб минг ўринли мактабда фан хоналари, компьютер ва хорижий тил хоналари, робототехника тўрага, лаборатория зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Кутубхона, спорт зали, футбол майдони ва ошхонада болалар учун кенг қулайликлар яратилган.

Педагоглар билан мулоқот чоғида болаларнинг қобилиятини тўғри шакллантириш, касбий таълимни ривожлантириб, битирувчиларни касб-хунарли қилиб ҳаётга йўллаш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, ахборот технологиялари, робототехника, муҳандислик каби йўналишларни кенгайтириш, ўсмирларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Маҳалладаги янги уйларнинг биринчи қаватларида иккита хусусий боғча ташкил этилган. Уларнинг Наврўз арафасида очилгани ота-оналар учун байрамона тўхфа бўлди.

Ички имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш таъмоили бу маҳаллада ҳам намоён. 70 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохбаси, 2 та ишлаб чиқариш корхонасида кўпчилик рўзгор тебратяпти. Президентимиз фармоишини билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиш қизгин давом этмоқда.

Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йилида кўчат экиб, яшиллик яратиш кўлами кенгайди. Пойтахтимизнинг Бектемир туманида яна бир боққа асос солинди.

Президентимиз давлат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ерда кўчат экди.

Йикота, Мажнунтол, Зилола, Роҳат ва Иқбол маҳаллалари орасидаги бу ҳудуд аввал қаровсиз жой эди. Элнинг бирлиги билан яна бир яшил макон, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган парк пайдо бўлмоқда. Уч гектарлик ҳудудга ўрмон концепцияси асосида уч минг туп даракт ва бута кўчатлари экилди. Уларнинг суғорилиши ва парваришига масъулар бириктирилди.

Маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакилларига ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди. Барчани қилиб келаётган Наврўз байрами билан табриклади.

Президент ташаббуси билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида маҳаллаларда деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари сафарбарлик билан олиб борилмоқда.

Баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, суғоришни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги боғда экилган кўчатлар ана шу эзгу амалнинг давоми бўлди.

"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" давлат дастурига мувофиқ, бу йил кўчатчиликка ихтисослаштирилган 18 та ўрмон ҳўжалиги ташкил қилинади. Уларда "илм — лойиҳа — амалиёт" тамойили асосида генетик селекция ишлари қучайтирилиб, плантациялар кенгайтирилади. "Яшил олам" платформаси ишга туширилиб, кўчатларни онлайн сотиб олиш йўлга қўйилади.

Юртимизнинг барча жойларида Наврўз айёми кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Бектемир туманидаги Роҳат маҳалласига таширф буюриб, байрам сайлида ҳам қатнашди.

Хизмат кўрсатиш ва савдога ихтисослаштирилган маҳаллада 4 минг

нафар аҳоли яшайди. Бандлиқни таъминлаш бўйича янги тизимга мувофиқ, банклар иштирокида маҳалланинг ички имкониятлари юзгага чиқарилмоқда. Ўтган йили юзга яқин аҳоли ишга жойлаштирилган, 256 нафари ўзини ўзи банд қилган, 13 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Иккита ишлаб чиқариш корхонаси, ўнлаб савдо ва маийши хизмат шохобчалари одамларга қулайлик яратмоқда.

Президентимиз ушбу корхоналарни кўздан кечирди.

Маҳаллада кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта. Таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари, ўқув маркази, амфитеатр, хунарамандлар ва ахборот-кутубхона марказлари, нурунийлар маскани фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу масканда ташкил этилган сумалак сайлида қатнашди, маҳалла фаоллари, нурунийлар билан самимий суҳбатлашди. Мулоқотда жорий йилги режалар, жумладан, тинчлик-осойишталикни сақлаш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳақида сўз юритилди.

— Маҳаллангиздаги ободлиқни, одамларнинг кайфиятини кўриб, мамнун бўлдим. Вақти билан барча туманлардаги имкониятларни оширамиз. Бунинг учун энг асосийи — тинчлик-ахиллик керак. Илгари чегараларимизда вазият қандай эди? Вазминлик билан, сиёсий ирода билан ҳамма масалаларга ечим топа-ямиз. Барча ишларни қўли тизимда ташкил қилганимиз учун 10 мингга яқин маҳаллаларнинг ҳолати аққол намоён. "Маҳалла еттилиги" орқали хонадонга етиб бориляпти. Одамларнинг даромадини ошириш, камбағаллиқни қисқартириш, ёшлар сиёсатида ҳали ишларимиз кўп. Шунинг учун таълимга, ўғил-қизларни ўқитишга катта эътибор беришимиз керак. Ёшлари билимли ва маънавиятли жамият, албатта, фаровонлиққа эришадди. — деди Шавкат Мирзиёев.

Роҳат маҳалласида умумтаълим мактаби, болалар музика ва санъат мактаби, "Баркамол авлод" маркази, академик лицей фаолият юритмоқда. Яқинда янги мактабга таълим ташкилоти қуриб битказилди. Булар ҳам ёшлар маърифатини оширишга хизмат қилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБЕКОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 20 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бир-бирини ва икки мамлакатнинг биродар халқларини баҳор айёми — Наврўз билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг энг долзарб масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўтган йил август ойда Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга давлат таширифида эришилган келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорлик бўйича режаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ҳамкорлик йили доирасида биргаликда самарали ишлар олиб борилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва қўллаб бошқа тармоқлардаги лойиҳалар фаол босқичга кирган.

Бундан ташқари, маданий-гуманитар алмашинув доирасидаги тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Давлат раҳбарлари халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар, шунингдек, бўлажак олий ва юқори даражадаги икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама саммитлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

УМУММИЛЛИЙ ТОТУВЛИК ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, бирдамлик ва ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, кўп миллатли халқимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз фаровонлигига дахлдорлигини кучайтириш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

I. Устувор вазифалар

1. Жамиятда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) миллатлараро муносабатларни **уйғунлаштириш**, жамиятда **дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик ва бирдамлик**ни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзлиқни шакллантириш;

б) Ўзбекистонда яшовчи **барча миллат ва элаларнинг** ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш орқали уларнинг **умуммиллий тараққиётга дахлдорлигини** кучайтириш;

в) **хориждаги ватандошлар** жамоалари ва ўзбек диаспораларининг миллий ўзли-

гини сақлашга кўмаклашиш ҳамда уларнинг **ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини** Ватанимиз ривожига сафарбар этишни қўллаб-қувватлаш;

г) **халқ дипломатияси** механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва **дўстлик алоқалари** ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги **ижобий имижини мустаҳкамлаш**.

II. Соҳани тубдан ислоҳ қилиш

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизида **Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси** (кейинги ўринларда — Қўмита) ташкил этилсин.

3. Белгилансинки:

а) Қўмита миллатлараро муносабатлар ҳамда хориждаги ватандошлар масалалари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли **республика ижро этувчи ҳокимият органи** ҳисобланади;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги "Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-52-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан**:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) тўғрисидаги низоом 1-иловага мувофиқ;

б) Мамлакатимизда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича **"Йўл хари-та"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжихатлиқни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари **Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжихатлиқни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари** (кейинги

ўринларда — ҳудудий жамоатчилик кенгашлари) деб қайта номлансин.

3. **Вазирлар Маҳкамаси Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг янгилаш таркиби ва ҳудудий жамоатчилик кенгашларининг янгилаш (намунавий) таркибини** давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзолари, фан ва маданият номандалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари билан иборат таркибда тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши **маслаҳат-кенгаш органи** ҳисобланиб, Қўмитага юкланган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилишига кўмаклашад;

б) ҳудудий жамоатчилик кенгашларининг ташкилий-техник таъминоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

УМУММИЛЛИЙ ТОТУВЛИК ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) Кўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига бевосита ҳисобдордир;

в) Кўмитага Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади;

г) Кўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади;

д) жойларда миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш масалалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

III. Умуммиллий тотувликини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар

4. Кўмита ва миллий маданий марказларнинг умуммиллий бирдамликини таъминлаш чораларини кучайтиришга қаратилган куйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) ҳар йили “Ўзбекистон ягона Ватан!” шиори остида юртимиздаги барча миллат ва элатлар вакилларининг ўзаро тенглиги, бирдамлигини, уларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссасини эътироф этувчи анжуман ташкил этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида биттадан кўчаларни **барча миллат ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари** ва аъналарини, ўзаро уйғунлашган миллатлараро муносабатларни ифодалаган **“Ўзбекистон маданий бойлиги”** номли **кўчалар** сифатида ташкил этиш;

в) **“Биргаликда кучмиз”** шиори остида турли миллат ва элатлар вакилларидан иборат эко-волонтерлар иштирокида **экологик акцияларни** ўтказиб бориш орқали долзарб масалаларни ҳал этишда **дахлдорликини англаш** тўйгуларини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

5. Кўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг **асосий вазифалари** этиб куйидагилар белгилансин:

а) **Ўзбекистон халқининг бирдамлигини таъминлаш**, хориждаги ватандошларни тарихий Ватани билан бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини комплекс таҳлил қилишда иштирок этиш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан самарали **жамоатчилик назоратини** ўрнатиш;

б) мамлакатимизда **умуммиллий тотувлик** ва ҳамжиҳатликини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқро имижини оширишда **халқ дипломатияси** механизмларидан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар самардорлигини оширишга қаратилган **таклифлар тайёрлаш** ва Кўмитага киритиш;

в) аҳолида Ўзбекистон халқининг **умуммиллий қадриятлари устуворлигини англаш** тўғрисиини кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро **ҳамкорлик қилиш**;

г) жамиятда умуммиллий бирдамлик, хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва **биродарлик алоқаларини ривожлантиришга оид тарғибот** ишларини тизимли олиб бориш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Кўмита ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффицентлари ва базавий лавозим маошлари 3 баравар (Кўмита раҳбариятига 4 баравар) миқдорда қўлланади;

ТУРИЗМ ТАЪЛИМИДА НОЁБ ИМКОНИЯТ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз халқро туризмнинг жозибадор марказларидан бирига айланиб улгурди. 2024 йил натижаларига кўра юртимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 8,6 миллион нафарга етиб, уларга 2,7 миллиард долларлик хизматлар кўрсатилди. Ушбу кўрсаткич 2023 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп.

Муносабат

Туризм, ҳам — ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари яратилиши ва камбағалликни қисқартириш, дегани. Ташаббус ва лойиҳаларни амалга ошириш, илмий асосланган таҳлил ва таклифларни ишлаб чиқиш, туризм соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашда таълим тизимининг ўрни жуда муҳим, албатта.

Бухоро давлат университетида туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, илмий изланишлар олиб бориш, бунда илгор тажрибадан фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиб, базавий факультет сифатида иқтисодиёт ва туризм факультети фаолият кўрсатмоқда. Яқинда факультетнинг туризм соҳасидаги таълим

тетнинг туризм соҳасидаги таълим дастурлари Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг “TedQual” аккредитациясидан муваффақиятли ўтказилди. Эътиборга молик жиҳати, Бухоро давлат университети Ўзбекистонда “TedQual” аккредитацияси олган биринчи, Марказий Осиёда эса иккинчи таълим муассасаси бўлди.

Туризм таълими сифатини ошириш мақсадида туризм ва меҳмонхона хўжалиги йўналишларида маърузалар ўқиш учун сўнгги йилларда хорижий 30 нафар профессор-ўқитувчи жалб қилинди. 35 га яқин мутахассислик фанлари инглиз тилида ўқитилмоқда. Айниқса, ушбу хорижлик ўқитувчилар

айнан туризм ривожланган Испания, Италия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатлардан келгани эътиборга молик.

Факультетда халқро илмий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилади, 25 нафар профессор-ўқитувчимиз етакчи хорижий мамлакатларда таълим олган, малака оширган. “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати сифатида эса 10 нафар ўқитувчи докторантура ва стажировкаларда бўлиб қайтди.

Жаҳоннинг энг йирик туризм марказларидан бири бўлган Франция билан туризм таълими соҳасида ўзига хос лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа 2019 йилдан бери франшиза келишуви асосида “VATEL” меҳмонхона ва туризм бизнес-мактаби билан ҳамкорликда йўлга қўйилган “Халқро меҳмонхона менежменти” бакалаврият ва магистратура дастурлари ҳисобланади.

“VATEL” гуруҳи 1981 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ўз таълим муассасалари, ресторани,

меҳмонхоналари мавжуд бўлган йирик таълим кластеридир. Нуфузли QS академик рейтингининг 2025 йилги кўрсаткичларига кўра, “VATEL” туризм ва меҳмондўстлик соҳасида Францияда 1-ўринни, дунёда эса 13-ўринни эгаллаб турибди. Унинг жаҳондаги меҳмонхона ва туризм бошқаруви бўйича биринчи ҳамда энг йирик бизнес мактаблар гуруҳи эканлиги аҳамиятга молик. Бугунги кунда жажон бўйлаб 50 дан ортиқ шаҳарларда “VATEL” филиаллари фаолият кўрсатаётган бўлса, талабалар сони 9 мингдан, битирувчилар сони 39 мингдан зиёдин ташкил этади.

“VATEL” гуруҳи доирасида илмий тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларни ҳавола қилиш учун “CIRVATH International Book of Tourism” илмий тўплами чоп этилади. У “VatelConnect” платформасида барча филиаллар учун очиқ манба сифатида жойлаштирилган.

Лойиҳанинг ноёблиги шундаки, филиаллар ўртасида талабалар алмаши-

нувини йўлга қўйиш учун махсус “Марко Поло” дастури амалиётга татиб қилинмоқда. Бунда талабалар бошқа мамлакатдаги “VATEL” филиалида бир ёки икки семестр давомида грант асосида таълим олиш ёки амалиёт ўташи мумкин бўлади. Шунингдек, “VATEL” таълим дастурларининг асосий мазмуни амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Талабалар амалиёти 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналарда ташкил этилиши улар гастрономия билан боғлиқ билим ва кўникмаларни эгаллашларида муҳим ҳисобланади.

Бухоро давлат университетидаги “VATEL” дастури бўйича талабалар жаҳон стандартлари асосида билим олиб, дунё бўйича тан олинадиган Франция дипломига эга бўлади. Таълим тўлиқ инглиз тилида олиб борилади. Талабаларнинг малакавий амалиётлари Франция, Малайзия, Бирлашган Араб Амирикларидаги меҳмонхоналарда ташкил қилинади.

Аброр ЖўРАЕВ,
Бухоро давлат университетининг
халқро ҳамкорлик бўйича
проректори.

лантириш, экологик барқарорлик, сифатли таълим каби масалаларда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида экспертлик ва илмий доиралар вакиллари ҳисобланган **хориждаги ватандошларнинг доимий мулоқоти кўринишида “Uz Global Think” форумини** ўтказиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

8. Кўмита **“Ватандошлар” жамоат фонди** билан биргаликда:

а) **ҳар йили хориждаги ватандошларнинг “Uz Global Think” форумини** ташкил этсин ва унда илгари сурилган фикрлар асосида мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларига хизмат қилувчи таклифларни шакллантириб, Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

б) **2025 йил 1 сентябрга қадар биродар ҳудудлар, дўстлик жамиятларини** хорижий давлатлар билан ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантиришда **“маданий кўприк”ка айлантириш**, халқ дипломатияси воситасида Ўзбекистоннинг халқро имижини мустаҳкамлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. **Куйидагилар:**

а) Маданият вазирлигида миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш бўйича вазифаларнинг қисқариши ҳисобига 3 та бошқарув штат бирлиги Кўмита тузилмасига ўтказилсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари котибиятларига миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш вазифалари юклатилсин;

в) Маданият вазирлиги тузилмасидаги **“O‘zbekiston” журнали тахририяти**” давлат муассасаси Кўмита тузилмасига ўтказилсин;

г) Кўмитанинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

V. Кўмита ҳуқуқлари

10. Белгилансинки, Кўмита ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун **куйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) Кўмита ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

б) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-

тадқиқот ва таълим муассасалари, халқро ташкилотлар, хориждаги ватандошлар орасидан юқори малакали мутахассисларни ҳамда экспертларни, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

в) умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ва таклифлар киритиш.

12. **Кўмита раисига** куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) Кўмита таркибий тузилмалари ўртасида аниқ вазифа ва функцияларни тақсимлаш;

б) Кўмита тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

в) Кўмита таркибий тузилмасини тасдиқлаш, ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек, уларни рағбатлантириш.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда “Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Кўмита Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 19 март	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 19 март	

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 19 март	

цияси ва **Хориждаги ватандошлар билан алоқалар соҳасида давлат сиёсати концепцияси**ни тасдиқлаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Кўмита Тошкент шаҳри Бобур кўчаси 45-уйда жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи ва ўз билноларига эга бўлмаган миллий маданий марказлар, “Ватандошлар” жамоат фонди ва “O‘zbekiston” журнали тахририяти” давлат муассасаси ушбу манзилда жойлашган бинонинг Кўмита томонидан белгиланадиган жойларига **бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади**.

13. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги белгиланган тартибда Кўмитани зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

14. Кўмита бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 19 март	

Натижада уларнинг касбий маҳорати ошиб, талабалик давридаёқ меҳмонхоналарда, туризм компанияларида иш билан таъминланади.

Бугунги кунда “VATEL” гуруҳи томонидан меҳмонхона ва туризм sanoati учун қисқа муддатли курслар ёки 2 йиллик касбий тайёргарликни, дипломли дастурларни таклиф этувчи “VATEL Academy” тармоғи яратилмоқда. Яқин келажақда ушбу тизим Ўзбекистонда ҳам жорий қилинади. Бундан ташқари, “VATEL” дастурларини юртимизнинг бошқа ҳудудларида, қолаверса, кўшни мамлакатларда йўлга қўйиш борасида иш олиб бориляпти. Натижада малакали кадрлар етказиб бериш билан бир қаторда янги иш ўринларини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам янги имкониятлар пайдо бўлади.

Хуллас, Франция туризм таълимининг бир намунаси бўлган “VATEL” бизнес-мактабини Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигининг ўзига хос намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

КУН ТАРТИБИДА — ТАЖРИБА ВА ҒОЯЛАР АЛМАШИНУВИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида жаҳон миқёсидаги етакчи таълим муассасалари — Гарвард университети ва Массачусетс технология институти талабалари билан учрашув бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистондаги иқтисодий, таълим ва давлат бошқаруви соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар, қонунчиликдаги ижобий ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашилди.

Ўз навбатида, Гарвард университети ва Массачусетс технология институти магистрантлари ҳамда докторантлари юртимиздаги очик ва прагматик таъқиқ сибсатга кат-

та қизиқиш билдириб, бу йўналишдаги тажрибалар билан яқиндан ўртоқлашиш истагини билдирдилар.

Учрашувда Сенат Раиси Танзила Норбоева икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда ёшларнинг ўрни муҳимлигини, айниқса, замонавий таълим тизимини ривожлантириш ва ёшларимизнинг глобал миқёсдаги илм-фан ҳамжамиятига интеграция қилинишида инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш асосий масалалардан эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, мулоқот давомида ўзаро тажриба алмашинуви ва янги ғояларни муҳокама қилиш орқали келажақда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикрлар ўртага ташланди.

Мазкур олийгоҳларнинг ёш тадқиқотчилари билан ўтган учрашув таълим, фан, технология ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда, икки давлат алоқаларини янги bosқичга олиб чиқишга, ёшлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга замин яратди.

МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунни янги тахрирда ишлаб чиқишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шугулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2022 — 2024 йиллар давомида спорт соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган Президентнинг 88 та Фармон ва қарори ҳамда ҳукумат ҳужжатлари имзолангани соҳа тараққиётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлат бюджетидан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 трлн. сўмдан 3 трлн. сўмга оширилди, 101 та йирик спорт объекти янгидан қурилди, 67 тасида реконструкция ишлари бажарилди. Бунинг натижасида қўллаб нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари юқори марраларни забт этди.

Хусусан, Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида тарихий натижа қўлга киритилиб, мамлакатимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади.

Ушбу тарихий ғалабалар ўз-ўзидан юз бермагани, унинг замирида қанчадан-қанча машаққатли меҳнат ва катта сармоа ётгани ҳеч кимга сир эмас.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун 2015 йилда қабул қилинганлигини, уни янги тахрирдаги Конституциядан келиб чиқиб такомиллаштириш, бугунги давр талабларига мослаштириш, соҳа вакиллари-нинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ифодаловчи тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан бойитишга кўпроқ аҳамият қаратиш кераклигини таъкидлашди.

Ушбу масалага дахлдор вазирлик ва идоралар ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши, ташаббускор бўлиши, ҳаётий ва амалий тажрибалардан келиб чиқиб, жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олган ҳолда, янги тахрирда тайёрланаётган қонун лойиҳасига тақлифлар билдириши лозимлиги айтиб ўтилди.

Тадбир якунида давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатли йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ КЎП УЧРАМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси ҳамкорлигида кўшма мажлис бўлиб ўтди.

Сенаторлар, депутатлар, мажлий Кенгашлар, Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда коррупция-га қарши тизимли ишлар амалга оширилганига қарамай, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ушбу муаммо хануз сақланиб қолмоқда.

Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида шифокор қабулидан тортиб мутахассислик муассасалари-га йўлланма олишгача бўлган жараёнларда, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида қабулда ҳамда педагогларни ишга joyлаштиришда маиший коррупция ҳолатлари учраётгани ачинарлидир. Шунингдек, олий таълимда рақамлаштириш жорий этилганига қарамай, ижодий ва оралик имтиҳонларда коррупциявий элементлар сақланиб қолаётгани таъкидланди.

Йиғилишда парламент кўмиталари ўз йўналишлари бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда коррупцияга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни белгилаб олди. Шунингдек, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарларининг ахборотлари ештилди.

Яқунда иштирокчиларнинг тақлиф ва тавсиялари асосида соҳалардаги коррупцияни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН АЗАЛИЙ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга қилган давлат таширфига ҳали кўп вақт бўлмади. Шундай бўлса-да, дунё нгоҳи бу тарихий таширф ва унинг доирасида эришилган натижаларга қаратилган.

Мушоҳада

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Франция ўртасида стратегик шериклик муносабатларининг ўрнатилганлиги нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи минтақалари ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади. Босис Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутса, Франция ҳам Европа Иттифокнинг марказий давлатларидан ҳисобланади. Агар рақамларга эътибор қаратилса, Франция иқтисодий жиҳатдан Европада учинчи, жаҳонда еттинчи ўринда турувчи ўлкадир.

Мамлакатларимизни бир неча минг километрик масофа ажратиб турса-да, савдо-иқтисодий, маданий алоқалар тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур Франция қироли Карль VI билан мактуб алмашиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Қолаверса, Европанинг бошқа давлатларига қараганда Францияда Соҳибқирон ва темирйўзлар ҳақида қўллаб-қувватлаш, бадий асарлар яратилган, буюк жаҳонғирнинг давлатчилик сиёсати чуқур ўрганилган.

Охириги йилларда эса янада сезиларли муваффақиятларга эришилди. Хусусан, Сорбонна университети хузуридаги Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтида ўзбек тили курслари очилди. 2018 — 2022 йилларда туризм, археология, дизайн ва мода, француз филологияси, авиация, инклюзив таълим, бизнесни бошқариш, энергетика, сиёсатшунослик, авиация ва бошқа соҳаларда 30 дан ортиқ келишув ҳамда меморандумлар имзоланган. Ташкент давлат транспорт университети таркибида Франция фуқаро авиацияси миллий мактаби билан бирга-лиқда фуқаро авиацияси учун учувчиларни тайёрлаш мактаби очилди.

Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Руэй-Мальмесон шаҳарлари, Жизжаз вилоятининг Зомин тумани ва Нормандия минтақасининг Флер шаҳри ўртасида биро дарлашган шаҳарлар тўғрисидаги битим имзоланган.

2019 йилда Бухоро шаҳри билан биро дарлик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Руэй-Мальмесон маркази “Дўстлик” истироҳат боғида буюк табиб

Абу Али ибн Сино ҳайкали ўрнатилган “Ўзбек боғи” очилди.

Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Президентимизнинг бу галги давлат таширфи ҳам тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан ёзиладиган воқеаларга боғлиқ бўлди.

Ташриф доирасида Елисей саройида олий даражадаги Ўзбекистон — Франция музокаралари бўлиб ўтди. Учрашув чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — икки мамлакат етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтларининг 60 дан ортиқ раҳбарлари ва вакилларининг шартномалар тузишда иштирок этганлиги бўлди. Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда икки мамлакат етакчи компаниялари муҳим ўрин тутётгани учрашувда алоҳида айтилди.

Ташрифнинг асосий натижаси Ўзбекистон — Франция муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш ҳақида тарихий қарор қабул қилинганлигидир. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияга асосан, Франциянинг етакчи

компаниялари Ўзбекистонда 2027 йилга қадар 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириши кўзда тутилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13 март куни Париж шаҳридаги Бурбон саройида Франция Миллий Мажлиси раиси Жэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказди. Унда икки давлат ўртасидаги парламентлараро алмашинуви янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Франция парламенти куйи палатаси раҳбари янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, вакиллик органларининг роли, хотин-қизлар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳамда экологик хавфсизлик қафолатлари кучайгани алоҳида эътироф этди.

Ташриф Ўзбекистон — Франция муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Имзоланган келишувлар нафақат икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга, балки ушбу ҳамкорликлар орқали Ўзбекистоннинг халқро майдондаги нуфузи янада ошиши ва иқтисодий ўсишига хизмат қилиши билан эътиборга моликдир.

Оқилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП

19 март куни Президентимиз кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувда 2025 йил учун соҳадаги асосий мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталиб, янги ташаббусларни илгари сурди.



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Наргиза Саломова** охириги йилларда бундай учрашувлар анянага айланганини қайд этиб, бу ҳақда ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали муносабат билдирди.

“Кўпчилик тадбиркорлик, бизнес билан шугулланиш керак, қўшимча даромад зиён қилмайди, деб кўп таъкидлайди. Лекин юрак ютиб тадбиркорликка қўл уришдан чўчилади. Нега? Чўнки хато қилиб қўйишдан қўрқади. Қолаверса, янги тадбиркорликни бошлаганлар кўпинча ҳуқуқий ва маъмурий қоидаларни тўлиқ тушуниб улғуришмайди. Бу эса турли маъмурий жавобгарликларга олиб келиши мумкин. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорликка энди қадам қўйганлар учун “биринчи имконият” тамойили жорий этиладиган бўлди. Яъни илк бор маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тадбиркор жавобгарликдан озод қилиниб, камчилигини бартараф этиш учун имконият берилади”, дейди депутат.

«Миллий тикланиш» ДП

Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, Сенатга юборилди.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси **Руслан Жумамуратов** мазкур ҳужжат билан Солиқ кодексига ортиқча ундирилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлари учун ҳисобга олиш тартибини соддалаштириш, айрим тоифадаги шахсларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш ҳамда солиқ маъмуричилигини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилаётганини, бу эса солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

“Яна бир аҳамиятли жиҳати, “Маҳалла сервис” компаниялари томонидан маҳаллаларни обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш ҳамда белгиланган тартибдаги маҳалла аҳолисига ижтимоий аҳамиятли пуллик хизматлар кўрсатиш орқали топишган даромадларга солиқ солинмаслиги кўзда тутилмоқда”, дейди депутат.

«Адолат» СДП

Куйи палатанинг шу ҳафта бошида бўлиб ўтган мажлисида маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, қизгин муҳокамага сабаб бўлди.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари **Робохон Махмудова** қонун лойиҳаси билан амалдаги қонунларимизга қитоб ўқиган маҳкумларнинг жазо муддатини қисқартириш билан боғлиқ қўшимча киритиш тақлиф этилаётганини қўллаб-қувватлади.

“Биламизки, маърифат инсонни қамолотга етказлади. Шу нуқтаи назардан айтганда, лойиҳада назарда тутилган қитоб мугъолааси маҳкумларнинг маънан ривожланишига ёрдам беради. Бу эса жамиятга ҳурмат руҳини шакллантиради ва шахсий ўсишга хизмат қилади. Қитоб ўқиш маҳкумлар жазони шунчаки ўтатиш эмас, балки уларнинг ахлоқи яхши томонга ўзгаришига ҳам ёрдам беради. Бу инсонларвар тизимни шакллантиради. Маҳкумларнинг қитоб ўқишини рағбатлантириш орқали эса уларнинг жамиятга муваффақиятли мослашишига имконият яратилади”, дейди фракция раҳбари.

ЎзХДП

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ҳуқуқи ташаббуси асосида ишлаб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларида жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Анваржон Нурматов** лойиҳа билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига жорий этилаётган хусусий айблов институти ҳақида ўз фикрларини билдирди.

“Дейлик, қимдир сизга нисбатан ноқонуний ҳаракат қилса, бунинг учун жавобгарликка тортиш фақат сизнинг аризан-гиз билан бошланиши кераклигига оид норма лойиҳада бел-гиланмоқда. Мазкур янгилан жабрланувчининг ҳуқуқ ва эр-кинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтиришга, унинг шахсий ҳаётига асосси аралашувнинг олдини олишга хизмат қилади”, дейди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси

19 март куни “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари тақлиф билан таъсис этилган мазкур фахрий унвон мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш, табиятни асраб-авайлаш, биологик хилмаҳилликни сақлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш борасида салмоқли натижаларга эришган экофаолларга берилади.



Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Ойбек Отамуратов** бу ҳақда ўз муносабатини билдирди. “Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ёш авлод-ни табиятга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда тизимда юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида фидоко-рона меҳнат қилаётган мутахассис-ҳодимларга ва соҳа-нинг бошқа вакиллари, шунингдек, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошираётган экофаолларга ушбу мукофотнинг берилиши, албатта, эътиборга молик. Бу, ўз навбатида, фаол, жонқур экологларнинг меҳнати-ни рағбатлантириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш, кадрлашга хизмат қилади”, дейди депутат.

«Халқ сўзи».

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг узлуксиз занжири

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари мутлақо янги ёндашувлар асосида ривожлантирилиб, уларни комплекс қўллаб-қувватлашнинг узлуксиз занжини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилляпти. Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашуш ва тўқсинлик қилиш, уларнинг ишини асоссиз тўхтатиб қўйиш давлатимиз раҳбарининг сиёсатиға қарши чиқиб, дея баҳолангани ишбилармонлик тараққиётининг муҳим омили бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Акс садо

Қолаверса, ушбу йўналишда соҳага доир қўллаб қонунлар, Фармон ҳамда қарорлар қабул қилин-дики, улар асосида рухсатномалар-ни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари қисқартирилди. Ортиқча текши-ришлар, нақд пул, валюта ва хо-машё бўйича қўллаб-қечовларга барҳам берилди. Тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, бери-лаётган имкониятлар туфайли янги субъектлар кескин кўпайиб, аввал-дан ишлаётганлари ўз фаолияти-ни янада кенгайтирди.

Очигини айтиш керак, бир пайтлар одамлар тадбиркорлик қилишга кўрқарди, ўзининг ишби-лармон эканини сир тутадиган за-монлар ҳам бўлди. Бугун-чи? Ва-зият мутлақо бошқача. Чинакам тадбиркор қиёфаси, ҳақиқий иш-билармонлик муҳити янги Ўзбе-кистонда шаклланди, десак, асло

Буни Президентимизнинг тад-биркорлар билан очик мулоқоти йўлга қўйилганида аққол кўриш мумкин. Ушбу амалиёт ишбилар-монларнинг муаммо ҳамда тақлиф-ларини бевосита ўрганиш, эркин мулоқот асосида бизнесни ривож-лантириш бўйича асосий йўналиш-ларни белгилаб олишга қаратил-ган ишларни янада юқори босқич-га кўтармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шун-дай ислохотлар, мулоқотларнинг манتيқий давоми бўлди. Мамла-катимиз раҳбарининг бизнес ва-киллари билан учрашув шунчаки мулоқот бўлиб қолмасдан, балки соҳадаги муаммолар ўртага таш-ланиб, аниқ ечимлар берилгани билан гоятда муҳимдир. Бу барқа-рор иқтисодий ўсиш ва ривожла-нишга интилаётган юртимизда тад-биркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли қадам-лар қўйилаётганидан далолатдир.

Қизгин кечган мулоқот давоми-да давлатимиз раҳбари юртимиз-да бу соҳа ўш ўрни, инвестиция, инновация, рақобат, қўшилган қий-мат ва экспортни кўпайтиришга энг катта туртки бераётган йўналишга айлангани, сўнгги беш йилда ки-чик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайганини таъкидлади.

Албатта, давлатимиз раҳбари-нинг шахсан ўзи тадбиркорлар би-лан учрашаётгани беҳиз эмас. Бо-иси тўғридан-тўғри мулоқот ўрта-даги ишончни, умидни йўғотишда, янги-янги марраларни белгилла-олишда, асосийси, бизнесменлар-га янада кўпроқ имтиёз ва имко-ниятларни яратиб беришда кўл ке-лади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари ўз сўзида “Тадбиркорликни қўллаб-қувват-лаш — бизнинг стратегик йўлимиз” дея таъкидлаганининг ўзи ишти-рокчиларга катта ишонч ва моти-вация, аслида.

Эътибор берадиган бўлсак, ўрта ва кичик бизнесда 10 миллион 500 минг одам — жами банд аҳоли-нинг 74 фоизи даромад топиб, рўзгор тебратмоқда. Иқтисодиёт ҳажмининг яримдан кўпи, саноат ва экспортнинг учдан бири шу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри ке-лаёттир. Ушбу рақамларнинг ўзбек мамлакатимиз иқтисодиёти учун кичик ҳамда ўрта бизнес қанчалик муҳимлигини аққол кўрсатиб ту-рибди. Президентимиз шу боси бу йўналишни қўллаб-қувватлаш бун-дан кейин ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлишини таъкидлади.

Дарвоқе, тадбиркорликни ри-вожлантириш осон иш эмас. Бу-нинг учун тинимсиз меҳнат, изла-


ниш ва ҳаракат талаб қилинади. Замон билан ҳамнафас бўлмаса, у ютказади. Шу маънода, ушбу та-рихий учрашув тадбиркорларни, айниқса, энди “оёққа тураётган” ишбилармонларни руҳлантириш, қўллаб-қўллаш, рағбатлантиришда муҳим платформа вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари янги тад-биркорларнинг “оёққа туриб оли-ш” учун, айниқса, фаолият бош-лаган биринчи йилда уларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳимли-гини таъкидлаб, бундан буён, тад-биркорликка энди қадам қўйган-лар учун “биринчи имконият” та-моилии жорий этилишини маълум қилди. Яъни илк бор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тадбир-кор жавобгарликдан озод қилиниб, камчилигини бартараф этиш учун имконият бериладиган бўлди. Эн-дилиқда янги иш бошлаган тадбир-корлар биринчи хато учун “жавоб-гарликдан суғурталанган” бўлади.

Демак, тадбиркорликка янада кенг қўламда эътибор қаратилади, ишбилармонлик ташаббуслари тўлиқ қўллаб-қувватланади. Бу эса пировардида мамлакатимизда тад-биркорлик ривож янги босқичга кўтарилишини қафолатлайди.

Муқаддаси АҲМЕДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Барҳаёт сатрлар



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири.

БАҲОР ХОСИЯТИ

Қарангки, баҳорнинг вазифаси йўқ,
Бирор маҳкамдан маош олмас у.
Унга қор қилгайдир на араз, на дўқ,
Сафарга чиқдим, келмай қолмас у.

Юксак қасрларни бурқар чечакка,
Гадо кулбасини безар саросар!
Эзгулик бобида фақат у якка,
Фақат у барчага тенг ва баробар.

Кўнгил даричасин очиб қўйинг ланг,
Ғуссали дилда ҳам қулади баҳор,
Умидвор инсонлар, уни олқишланг,
Фақат хосиятли бўлади баҳор.

Аввал юрагингга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиг ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.

Қадриятлари боқий Наврўз!

Наврўз азалдан баҳор, табиат уйғониши, янги ҳаёт рамзи ҳисобланади. Бу айём барчани жипслаштириб, қалбларни илиқлик, ёруғлик ва келажакка ишонч ҳислари билан тўлдирди. Ушбу кун шаҳар ва қишлоқлар, кўчаю боғлар оҳанрабо мусиқа, мафтункор рақслар, майин табассумларга йўғрилган гўзал манзараларга тўлади. Афтидан, табиатнинг ўзи одамлар билан бирга қувониб, қалбларга янгилашни туйғусини бахш этади.

Ижтимоий фикр

Гарчи йиллар ўтиб анъаналар ўзгарса-да, Наврўз эзгу умидлар ва меҳр-оқибат байрами бўлиб қолмоқда. Айнан мана шу қутлуг ва нурафшон кун арафасида «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан мамлакатимиз фуқаролари ўртасида сўров ўтказилди. Унда ўзбекистонликлар учун Наврўзнинг аҳамияти, уларнинг қалбига яқин анъана ва удумлар, байрамни нишонлаш режалари аниқланди. Тадқиқотда мамлакатимизнинг барча минтақасидан эркаклар ва аёллар, ёшлар, ўрта ва катта ёшдаги фуқаролар, давлат ва жамият ҳаётининг турли жаҳаларида банд бўлган ҳар хил ижтимоий қатлам вакиллари қатнашди.

Сўров натижалари кўрсатганидек, асрлар оша бизгача етиб келган ушбу қадимий байрам авлодлар ўртасидаги ришталарни, ўзаро меҳр-оқибат ва бирдамлик каби азалий қадриятларни мустаҳкамлаб, ўзбекистонликлар ҳаётининг муҳим қисмига айланган.

Жамоатчилик фикрида Наврўз баҳор ва янгилашни тимсоли, янги умидлар ва эзгу ташаббуслар даври экани ҳақидаги тасаввур устуворлик қилади. Байрам кишиларни жипслаштирувчи, хонадонларни оилавий учрашувлар тафти ва мулоқот қувончига тўлдирувчи муҳим миллий воқеа сифатида идрок этилади.

Шубҳасиз, Шарқона тақвимга кўра Наврўзнинг йилбоши — истиқболнинг янги куни сифатидаги аҳамияти ғоят муҳим. Аксарият респондентлар бу кунни оила ва дўстлар даврасида нишонлаш ниятида. Фуқаролар учун байрамда оилавий муҳит, оила аъзолари ҳамда дўстлар билан жам бўлиш, улар билан ўзаро қувонч

ва илиқ мулоқот қилиш имконияти қадри. Ўртдошларимиз учун байрамнинг муҳим қисми анъанавий таомлар билан безатилган байрамона дастурхон ҳисобланади. Халқ сайиллари эса байрамнинг яна бир аҳамиятли жиҳатидир. Концертлар,

“**Жамоатчилик фикри сўрови натижалари**
Наврўз тақвимдаги шунчаки оддий бир сана эмас, балки анъаналар, оилавий қадриятлар, яқинларимизга ғамхўрлик, табиат билан ҳамоҳанглик ҳис-туйғуларни чамбарчас боғлаб кетадиган жонли, серқирра байрам эканини тасдиқлади. Аксарият фуқаролар учун нафақат байрамнинг ўзи, балки унинг анъанавий удумлари ҳам муҳим, бинобарин, уларсиз Наврўз бу қадар севимли ва ардоқли бўлмасди.”

рақслар, спорт мусобақалари — буларнинг барчаси сайилларни янада жонлантиради, қувонч ва ҳамжихатлик муҳитини яратади. Меҳмондўстлик анъанаси фуқароларнинг анчагина қисмини ўзига жалб қилади — респондентлар меҳмон қутлини ёки ўзлари меҳмонга боришни истади.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, ўзбекистонликлар учун Наврўз ўз аҳамиятини йўқотмаган: 71,9 фоиз фуқаролар уни ўзига хос, эзгу ҳис-туйғулар ва қувончли таассуротларга тўла байрам, деб билди.

Баҳор келиши билан нафақат табиат, балки одамлар ҳам жонланади — кайфият янгиланади, ҳис-туйғулар уйғонади, фикр ва туйғуларда ўзгача енгиллик пайдо бўлади. Наврўз ортга нигоҳ ташлаб, ҳулоса чиқариш, натижаларни ҳисоб-қитоб қилиш, айнаи вақтда янги умидлар билан тўлиб-тошиб, келажакка қувонч билан назар ташлаш мар-

расига айланмоқда. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, байрам арафасида кўпчилик кишилар айнан шундай ёрқин, илҳомлантирувчи ҳис-туйғуларни бошдан кечирмоқда.

Шубҳасиз, айнаи кунларда юртимизда ҳукм сураётган кайфият — бу шодлик ва байрамдан роҳатланиш ҳиссидир. Албатта, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ: ўзбекистонликлар яқинлари билан учрашиш, ноз-неъматлар тайёрлаш, анъанавий тадбирларни режалаштиришга ҳозирлик кўрмоқда. Очиқ юз, табассум билан ат-



яратиш, ҳаётдан завқланиш истаги пайдо бўлмоқда. Наврўз эса ушбу кайфиятни мустаҳкамлаш, ҳаётни ёрқин ранглар билан тўлдирish имконини беради.

Жамоатчилик фикри сўрови натижалари Наврўз тақвимдаги шунчаки оддий бир сана эмас, балки анъаналар, оилавий қадриятлар, яқинларимизга ғамхўрлик, табиат билан ҳамоҳанглик ҳис-туйғуларни чамбарчас боғлаб кетадиган жонли, серқирра байрам эканини тасдиқлади. Аксарият фуқаролар учун нафақат байрамнинг ўзи, балки унинг анъанавий удумлари ҳам муҳим, бинобарин, уларсиз Наврўз бу қадар севимли ва ардоқли бўлмасди.

Наврўзнинг асосий анъаналаридан бири сабр-тоқат, саховат, ҳамжихатлик ва фаровонлик рамзи бўлган сумалак тайёрлаш бўлиб қолмоқда. Мазкур тадбир авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий удумда иштирок этишни англатади. Бу йил 64 фоиз респондентлар сумалак тайёрлашда қатнашишни режалаштиришган. Бу шунчаки пазандалик маҳоратини намойён қилиш жараёни эмас, балки бутун бир таомил ҳисобланади. Унда қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар, кўни-қўшнилари улкан қозон атрофида тўпланади, дилтортар суҳбатлар қўр олади, куй-қўшиқ, лапарлар янграйди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, кўпчилик сумалак тайёрлашни байрамнинг энг муҳим анъанаси, деб билади. Респондентлар уни асосий удумлар қаторида қайд этди. Жавоблар бу удумнинг мамлакат маданий ҳаётида қанчалик чуқур илдиз отгани ва ўзбекистонликлар учун қанчалик муҳимлигини тасдиқлайди.

Байрамнинг яна бир муҳим анъанаси — қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилари ва дўст-биродарларни зиёрат қилиш. Сўралганларнинг фикрича, Наврўз кунлари дўстона учрашувлар, ўзаро меҳмондорчиликлар, қариндошчилик ришталарини мустаҳкамлаш одат тусига кирган.


Муҳим анъаналар қаторида респондентлар халқ сайиллари, концертлар ва фестивалларни, хонадон ҳамда кўчаларни тозалаш ва безаш орқали баҳорги янгилашни, шунингдек, спорт мусобақалари ҳамда ўйинларини ажратиб кўрсатди. Хайрия тадбирлари ва мухтожларга ёрдам кўрсатишни сўров иштирокчилари Наврўзнинг яна бир анъанаси деб билади, чунки у азалдан хайрли ишлар ва эзгу ташаббуслар даври бўлган.

Бу йил Наврўз байрами Рамазон ойига тўғри келгани сўровда ҳам ўз аксини топди. Респондентларнинг асосий кўпчилик қисми буни яхши мутаносиблик, деб ҳисоблади. Зеро, ҳар иккала байрам ҳам эзгулик, поклиқни, маънавий янгилашни ва одамлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ғояларини ўзида мужассам этган.

Демак, ўтказилган сўров натижалари Наврўз юртимиз фуқаролари учун авлодларни бирлаштирувчи, эзгу ишларга илҳомлантирувчи, қалбларни қувончга тўлдирувчи байрам бўлиб қолаётганини кўрсатди. Асрдан-асрга ўтиб келаётган анъаналар кишилар қалбида акс садо бериб, хайрихолик ҳиссини уйғотиб яшаб келмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи») тайёради.

РЕКЛАМА



«FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси ҳамкорлар ва касбдошларни табиатнинг уйғониш даври — баҳор байрами — Наврўз айёми билан қутлайди!
Ҳаётимизга баҳор тафти билан биргаликда тинчлик ва фаровонлик, омад ҳамда тўкинлик кириб келсин!

Ҳар бир кунимиз мунаввар бўлиб, шодлик, меҳр ва яратувчанлик ила тўлсин!

fido-biznes

Футбол

Мундиаль сари яна бир қадам

Кеча Осиё қитъаси яшил майдонларида футбол бўйича “Жаҳон чемпионати — 2026”га чиқиш учун 3-саралаш босқичининг 7-тур учрашувлари бўлиб ўтди.



Пойтахтимиздаги “Бунёдкор” стадионида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қирғиз Республикаси футболчиларини қабул қилди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан устунлиқни қўлга олган вакилларимиз кетма-кет ҳужумлар орқали рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни юзага келтиришди. 1-бўлимнинг 24-дақиқасида Х. Алижонов рақиб жарима майдони ичида йиқитилди. Учрашувни бошқариб борган япониялик ҳакам Ю. Араки пенальти белгиланган бўлса-да, ВАР ҳакамлари бу ҳолатни текшириб чиқди. Жарима зарбаси эса ўз кучида қолиб, рақиб футболчиси С. Дациевга қизил карточка кўрсатилди. Афсуски, Э. Шомуродов пенальтини

голга айлантира олмади. Баҳснинг 40-дақиқасига келиб ҳисоб очилди. А. Файзуллаевнинг ажойиб пасини Х. Алижонов охира зарбаси билан дарвозага жойлаб қўйди. Баҳс давомида кўплаб ҳужумларни бартараф қилган рақиб посбони Э. Токатаев ўз дарвозасидан бошқа гол ўтказмади ва учрашувда кичик ҳисоб билан Ўзбекистон терма жамоаси зафар қучди — 1:0. Тур доирасида Эрон миллий терма жамоаси БАА футболчилари билан куч сынашиб, 2:0 ҳисобда ғалаба қозонди. Қатар ва ҚХДР жамоалари ўртасидаги учрашув эса 5:1 ҳисобида қатарликлар ғалабаси билан якунланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

Мамлакатимизнинг барча истироҳат боғлари ва маҳаллаларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кўнгилочар тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлаблар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар.
Газета таҳририят марказида термалар ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6